

Яъқуб Нажиромий китобини йўлда юриш асносида ўқирди



15:00 / 25.10.2020 974

Қифтийнинг «Инбахур рувот ала анбахин нуҳот» номли китобидан ҳижрий 420 йилда туғилиб, 520 йилда юз ёшда вафот этган наҳв олими Муҳаммад Саъидий ибн Барокат Басрий Мисрий раҳматуллоҳи алайҳнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагилар келган: «Мен ёшлигимда Абу Юсуф Яъқуб ибн Хуррозаз Нажиромийнинг Қарофа кўчасида юриб кетаётганини кўрганман. У улуғ ёшли, буғдойранг, катта соқолли, айлана салла ўраган киши эди. Унинг қўлида доимо китоб бўлиб, юриб бораётган жойида ўқиб кетарди».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан